



ЎЗБЕКИСТОНДА ТОВАРЛАРНИ МАЖБУРИЙ РАҚАМЛИ МАРКИРОВКАЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Оттажонов Неъматжон

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0000-0002-1710-5322

nematjon24@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида товарларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этишнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Президент фармонлари ҳамда қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида мазкур тизимнинг ҳуқуқий меъёрлари ва амалий механизмлари кўриб чиқилган. Шунингдек, рақамли маркировка қонунчилигининг амалдаги ҳолати, назорат ва жавобгарлик тизимининг самарадорлиги ҳамда уни такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган. Таҳлил натижалари рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва яширин иқтисодиётга қарши курашишда рақамли маркировканинг ўрни муҳимлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: рақамли маркировка, ҳуқуқий асос, норматив ҳужжат, яширин иқтисодиёт, рақамли иқтисодиёт, давлат назорати, идентификация тизими, қонунчилик.

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ВНЕДРЕНИЯ СИСТЕМЫ ОБЯЗАТЕЛЬНОЙ ЦИФРОВОЙ МАРКИРОВКИ ТОВАРОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Оттажонов Неъматжон

Ташкентский государственный
экономический университет

Аннотация. В данной статье проведён анализ правовых основ внедрения системы обязательной цифровой маркировки товаров в Республике Узбекистан. На основе указов и постановлений Президента, а также постановлений Кабинета Министров рассмотрены правовые нормы и практические механизмы функционирования данной системы. Кроме того, изучено текущее состояние законодательства о цифровой маркировке, эффективность системы контроля и ответственности, а также предложены меры по её совершенствованию. Результаты анализа показывают, что цифровая маркировка играет важную роль в развитии цифровой экономики и в борьбе с теневой экономикой.

Ключевые слова: цифровая маркировка, правовая основа, нормативные акты, теневая экономика, цифровая экономика, государственный контроль, идентификационная система, законодательство.

LEGAL FOUNDATIONS FOR IMPLEMENTING THE SYSTEM OF MANDATORY DIGITAL LABELING OF GOODS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Otajanov Nematjon

Tashkent State University of Economics

Abstract. *This article analyzes the legal foundations for implementing the mandatory digital product labeling system in the Republic of Uzbekistan. Based on presidential decrees and resolutions, as well as decisions of the Cabinet of Ministers, the legal norms and practical mechanisms of this system are examined. The article also reviews the current state of digital labeling legislation, the effectiveness of monitoring and liability mechanisms, and proposes recommendations for further improvement. The results of the analysis demonstrate that digital labeling plays a significant role in the development of the digital economy and in combating the shadow economy.*

Keywords: *digital labeling, legal framework, normative documents, shadow economy, digital economy, state control, identification system, legislation.*

Кириш.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни рақамлаштириш ва яширин иқтисодиётга қарши курашиш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлат бошқаруви, солиқ ва божхона тизимларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш миллий иқтисодиётнинг очиқлиги, шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлашга қаратилган.

Шу жиҳатдан, товарларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизими мамлакатда рақамли иқтисодиётни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи муҳим механизм сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу тизим орқали ҳар бир маҳсулотга ягона идентификация коди берилиб, унинг ишлаб чиқаришдан тортиб истеъмолчи қўлига етиб боргунига қадар ҳаракати давлат назорати остида бўлади. Бу эса контрафакт маҳсулотлар айланмасини чеклаш, бозорда соғлом рақобат муҳитини яратиш ва давлат бюджетига тўлиқ солиқ тушумларини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва электрон назорат тизимларини жорий қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Президент фармон ва қарорлари ҳамда ҳукумат қарорларида айрим турдаги товарларни рақамли маркировкалаш ва уларни электрон тартибда кузатиб бориш вазифалари белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, рақамли маркировкалаш тизими жорий этилиши билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар бир нечта соҳавий қарорлар билан ҳам уйғунликда амалга оширилмоқда. Хусусан, “Истеъмолчилар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” (Қарор, 2025), “Ўзбекистон Республикасида “Яширин иқтисодиёт” улушини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида” (Қарор, 2020), “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (Қарор, 2020) қарорлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар мазкур тизимнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-158-сон Фармони билан “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тасдиқланди. Унда маркировкалаш ва рақамлаштириш тизими самарасини ошириш ва кенгайтириш орқали солиқ маъмурчилиги тизимининг самарадорлигини янада ошириш белгиланди (Фармон, 2023).

Ўзбекистонда рақамли маркировкалаш тизими нафақат иқтисодий самарадорликни ошириш, балки давлат бошқарувида рақамли ҳуқуқий муносабатларни

тартибга солишнинг янги босқичини бошлаб берди. Ушбу тизимнинг ҳуқуқий асосларини чуқур ўрганиш унинг самарадорлигини таъминлаш ва келгусида ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш учун муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар шарҳи.

Сўнгги йилларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва давлат бошқаруви жараёнларини рақамлаштириш йўналишидаги ислохотлар дунё мамлакатларида иқтисодий шаффофликни таъминлашнинг асосий омилларидан бирига айланди. Шу жараёнда товарларни рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш – контрафакт маҳсулотлар айланмасини чеклаш, яширин иқтисодиётни қисқартириш ва истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим восита сифатида қўрилмоқда. Илмий манбаларда рақамли маркировка нафақат давлат назоратини кучайтириш, балки ишлаб чиқариш, логистика ва савдо жараёнларини самарали бошқариш имконини берувчи инновацион тизим сифатида баҳоланади.

Писанкова, Хохлова (2021) рақамли маркировкалаш тизимини контрафакт маҳсулотларга қарши курашишнинг самарали воситаси сифатида баҳолайди. Уларнинг фикрича, товарларни мажбурий рақамли идентификация қилиш орқали бозорда шаффофликни таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ва яширин айланмани қисқартириш имкони яратилади. Муаллифлар шу билан бирга, рақамли маркировка давлатнинг фискал сиёсати самарадорлигини оширишда муҳим инструмент эканлигини қайд этганлар.

Сморчкова (2021) мажбурий рақамли маркировкалашни маъмурий-ҳуқуқий таъсир воситаси сифатида ўрганиб, ушбу тизим солиқ ва божхона назоратини кучайтиришга хизмат қилишини таъкидлайди. Муаллиф рақамли идентификация орқали ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва давлат назорати самарадорлигини ошириш имкониятлари кенгайишини кўрсатишини таъкидлаган.

Шунингдек, Долганова ва Пашегорова (2023) товарларни мажбурий рақамли маркировкалашни контрафакт маҳсулотларга қарши курашишда муҳим иқтисодий ва институционал механизм сифатида баҳолайдилар. Муаллифлар мазкур тизимнинг жорий этилиши иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, товар айланмаси шаффофлигини ошириш ҳамда истеъмолчиларни сифатсиз ва сохта маҳсулотлардан ҳимоя қилишга хизмат қилишини таъкидлайдилар. Тадқиқотда рақамли маркировка орқали товар ҳаракатини кузатиш имконияти кенгайиши, давлат назорати самарадорлиги ошиши ва бизнес ҳамда давлат ўртасида ахборот асимметрияси камайиши илмий асослаб берилган. Шу билан бирга, муаллифлар мажбурий маркировкани жорий этиш жараёнида норматив-ҳуқуқий база такомиллашуви ва рақамли инфратузилманинг ривожланиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаганлар.

Тадқиқотчиларнинг қарашларини умумлаштирган ҳолда таъкидлаш жоизки, рақамли маркировкалаш тизими шунчаки фискал назорат воситаси бўлмай, балки иқтисодиётни институционал трансформация қилишнинг стратегик механизми ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, ушбу тизимнинг моҳияти учта фундаментал йўналишда намоён бўлади: биринчидан, бозор конъюнктурасини легаллаштириш орқали соғлом рақобат муҳитини шакллантириш; иккинчидан, «ишлаб чиқарувчидан – якуний истеъмолчигача» бўлган занжирда ахборот асимметриясини бартараф этиш орқали истеъмол бозори хавфсизлигини таъминлаш; учинчидан, товар-пул оқимларининг шаффофлигини таъминлаш орқали яширин иқтисодий фаолиятни дезинтеграция қилиш. Шу нуқтаи назардан, рақамли идентификация воситаларини жорий этиш давлат, бизнес ва жамият манфаатлари мувозанатини таъминловчи рақамли экотизимнинг ажралмас бўғини сифатида қаралиши лозим.

Шу билан бирга, рақамли маркировкалаш тизимининг норматив-ҳуқуқий жиҳатдан институционаллашуви солиқ, божхона ва бошқа ваколатли давлат органлари

ўртасидаги ахборот алмашинуви интеграциясини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. Мазкур интеграцион жараён товар айланмасининг ягона верификацияланган маълумотлар базасини шакллантириш имконини бериб, фискал мажбуриятлардан бўйин товлаш, контрафакт ва стандартларга номувофиқ маҳсулотлар репликациясини чеклашга қаратилган ҳуқуқий механизмларни амалий реализация қилишнинг фундаментал замини бўлиб хизмат қилмоқда. Натижада, рақамли идентификация воситалари товарларнинг бозордаги ҳаракатини мониторинг қилишда нафақат техник восита, балки ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини таъминловчи превентив инструмент вазифасини ўтамоқда.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистонда товарларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш 2019 йилдан бошлаб изчил ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Мазкур жараённинг ҳуқуқий пойдевори, аввало, яширин иқтисодиётни қисқартириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари билан боғлиқ.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПК-4389-сон қарори билан айрим товарлар учун идентификация маркировка қилишнинг ягона тизимини жорий этиш ва солиқ органлари томонидан маҳсулотни ҳисобга олишнинг электрон базасини яратиш таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Мазкур қарор товарларни рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш учун тўғридан-тўғри нормаларни белгилаб бермаган бўлса-да, унинг мазмуни ва йўналишлари мазкур тизимни жорий этиш учун институционал ва ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди (*Қарор, 2019*).

Шунингдек, рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантиришга қаратилган 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон қарор рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш учун институционал ва технологик шароит яратди (*Қарор, 2020*).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги ПФ – 6098-сон Фармони билан яширин иқтисодиётни қисқартириш давлат сиёсати даражасида белгилаб берилди ва рақамли назорат воситаларини жорий этиш зарурати асосланди. Ушбу фармон рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш учун концептуал асос вазифасини бажарди (*Фармон, 2020*).

Шу билан бирга, 2020 йил 20 июндаги Вазирлар Маҳкамасининг 394-сон қарори орқали яширин иқтисодиётга қарши курашиш бўйича амалий чора-тадбирлар белгилаб берилди. Унда идентификация воситалари билан маркировкалаш ва келгусида кузатиладиган маҳсулотлар рўйхатини босқичма-босқич кенгайтириш белгиланди (*Қарор, 2020*).

Рақамли маркировкалаш тизимини амалиётга жорий этиш бўйича илк комплекс ҳуқуқий ҳужжат сифатида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 ноябрдаги 737-сон қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан айрим турдаги маҳсулотларни идентификация воситалари билан мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш белгиланди (*Қарор, 2020*).

2020 йил 31 декабрдаги Вазирлар Маҳкамасининг 833-сон қарорида айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини босқичма-босқич жорий этишнинг ҳуқуқий асосини яратди. У рақамли маркировка тизими учун илк комплекс норматив база бўлиб хизмат қилди ва кейинги қарорлар учун асосий мезонни белгилади (*Қарор, 2020*).

Мажбурий маркировкаланадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчиларга маркировка кодларини тақдим этиш юзасидан хизматлар кўрсатиш учун ягона тўлов (тариф) миқдорини қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмасдан 1 код учун 68 сўм миқдорида белгиланди.

Бевосита маҳсулотга қўлланиладиган маркировка кодидан ташқари барча турдаги кодлар Рақамли маркировкалаш ва кузатиш миллий ахборот тизими оператори томонидан бепул тарзда тақдим этиши қайт этилди.

2021 йил 20 майдаги Вазирлар Маҳкамасининг 322-сон қарорида мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхатини кенгайтириш бўйича тажриба лойиҳаларини амалга ошириш тартибини белгилади. Унда янги товар гуруҳларини рақамли маркировкалаш механизмларини ишлаб чиқиш бўйича тажриба лойиҳаларини амалга оширилиши белгиланди (Қарор, 2021).

1-жадвал

Мажбурий рақамли маркировкалаш жорий этиладиган ҳамда тажриба лойиҳалари амалга ошириладиган айрим турдаги маҳсулотлар РЎЙХАТИ

Т/р	Маҳсулотнинг номи	Тажриба лойиҳаси		Мажбурий рақамли маркировкалашни жорий этиш санаси
		бошланиш санаси	яқунланиш санаси	
1.	Дори воситалари	2021 йил 1 июнь	2022 йил 31 январь	2022 йил 1 сентябрь
2.	Дори воситалари ва тиббий буюмлар	2026 йил 1 июль	2026 йил 31 декабрь	2027 йил 1 июль
3.	Сув ва салқин ичимликлар	2021 йил 15 июнь	2022 йил 28 февраль	2024 йил 1 март
4.	Маиший техника	2021 йил 1 июль	2021 йил 31 ноябрь	2022 йил 15 апрель
5.	Минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалари	2025 йил 1 май	2025 йил 31 октябрь	2026 йил 1 май
6.	Ўсимлик ёғи	2026 йил 1 июль	2026 йил 31 декабрь	2027 йил 1 июль

Манба: Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 майдаги 322-сон қарори 1-иловасига асосида тайёрланди.

2021 йил 2 ноябрдаги 665-сон Вазирлар Маҳкамаси қарори алкоголь ва тамаки маҳсулотларини акциз маркалари билан рақамли маркировкалашни назарда тутди (Қарор, 2021).

2022 йил 2 апрелдаги 149-сон Вазирлар Маҳкамаси қарори дори воситалари ва тиббий буюмларни рақамли маркировкалашни жорий этди. Соҳа учун бу қарор жуда муҳим бўлиб, қалбаки дори воситаларининг олдини олишнинг асосий воситаси сифатида хизмат қилди.

Ушбу қарор билан

- мажбурий рақамли маркировкаладиган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг идентификация кодлари;

- Дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқарувчи корхоналар, хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан ва улгуржи ва чакана савдо ташкилотларининг мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини босқичма-босқич жорий қилиш графиги;

- Соғлиқни сақлаш соҳасидаги тиббиёт муассасаларининг дори воситалари ва тиббий буюмларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимига босқичма-босқич ўтиши графиги;

- Дори воситалари ва тиббий буюмларни идентификация воситалари орқали рақамли маркировкалаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди (*Қарор, 2022*).

2022 йил 2 апрелдаги 148-сон Вазирлар Маҳкамаси қарори маиший техника маҳсулотларини мажбурий рақамли маркировкалашни жорий этиб, ноқонуний олиб кириш, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳолатларининг олдини олишни назарда тутди (*Қарор, 2022*).

Қарор орқали мажбурий рақамли маркировкалашни бошлаш муддатлари ва маҳсулотлар турлари гуруҳлар бўйича қуйидагича белгиланди:

биринчи гуруҳ — чангютгич, кир ювиш машинаси, совиткич ва музлаткич, телевизор ва монитор — 2022 йил 15 апрелдан бошлаб;

иккинчи гуруҳ — маиший газ плитаси, ошхона дудбурони, духовка ва печка, микротўлқинли печ, дазмол, сув иситкич — 2022 йил 1 августдан бошлаб;

учинчи гуруҳ — сув иситиш қозонлари, кондиционер, ўрнатилган электр моторли маиший техника (сок чиқазгич, блендер, миксер, кофе янчгич, гўшт майдалагич), барча турдаги лампалар — 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб.

2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5252-сон Президент қарори чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш, замонавий ахборот ечимларини жорий этиш, иқтисодиётда хуфиёна айланмани қисқартириш, шунингдек, ушбу соҳада таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинди (*Қарор, 2021*).

Қарор билан назорат-касса техникасини ва ҳисоб-китоб терминалларини қўллаш тартибини бузганлик, нақд пул маблағлари ёки пластик карточкалар бўйича тўлов шаклига қараб нархларни сунъий равишда оширганлик ёки пасайтирганлик, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга оширганлик, шунингдек, идентификация қилиш воситалари билан мажбурий рақамли маркировка қилиш назарда тутилган маҳсулотларда қалбаки маркировка қўлланилганлик ёки маркировка мавжуд эмаслиги тўғрисида солиқ органларига махсус дастур орқали хабар берган жисмоний шахсларга, ушбу маълумот асосида ўтказилган текшириш якунига кўра ҳуқуқбузарлардан ундирилган жарима суммаси ҳисобидан назорат-касса техникасининг ва (ёки) ҳисоб-китоб терминалларини қўлламасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик бўйича белгиланган жариманинг 20 фоизи миқдорида мукофот тўланиши;

Тадбиркорлик субъектларига онлайн назорат-касса машинаси ҳамда махсус қурилмаларнинг ҳар бирини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар суммасига, лекин битта қурилма учун **базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда**, ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган **фойда солиғи ёки айланмадан олиннадиган** солиқ ёхуд якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган **жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи суммаларини камайтириш ҳуқуқи берилди**.

2022 йил 1 ноябрдаги 631-сон Вазирлар Маҳкамаси қарори сув ва салқин ичимликларни мажбурий рақамли маркировкалашни жорий этди. Бозорда қалбаки ичимликлар улуши юқори бўлгани учун қарор соҳада ҳақиқийликни аниқлаш ва истеъмолчиларни муҳофаза қилишга хизмат қилди (*Қарор, 2022*).

Қарорда мажбурий рақамли маркировкаланадиган сув ва салқин ичимликларнинг идентификация кодлари рўйхати;

Сув ва салқин ичимликларни ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, импорт қилувчи ташкилотлар ва улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари томонидан мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини босқичма-босқич жорий қилиш графиги;

Сув ва салқин ичимликларни идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш хусусиятлари тўғрисидаги низом тасдиқланди.

2024 йил 30 майдаги ПҚ–203-сон Президент қарори яширин ишлаб чиқаришнинг олдини олиш, аҳолини қалбаки маҳсулотлардан ҳимоя қилиш ҳамда рақамли маркировкалаш тизимини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди (*Қарор, 2024*).

Қарор билан 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб:

тадбиркорлик субъектлари томонидан маркировкаланадиган маҳсулотларни маркировкани ўқиш қурилмаларидан фойдаланмаган ҳолда сотиш ҳолатлари солиқ органлари базаси маълумотлари асосида аниқланганда, ушбу тадбиркорлик субъектлари шахсий кабинетини орқали ҳолат юзасидан огоҳлантирилиши ҳамда икки марта огоҳлантиришдан сўнг қонун бузилиши бир ой ичида қайта такрорланган тақдирда, тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқбузарлик содир этилган чоракдаги фаолият юзасидан солиқ текшируви тайинланади;

қонун бузилиши солиқ текшируви якунлангандан бир ойдан кейин қайта такрорланганда тадбиркорлик субъектларини хабардор қилмасдан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни текшириш кунда хабардор қилган ҳолда солиқ текшируви тайинланиши.

Шунингдек, Солиқ органларига:

мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотлар бўйича аниқланган қалбаки ва контрафакт ҳолатлар ҳамда маркировкалаш қоидалари бузилганлиги юзасидан текширувларни тадбиркорлик субъектларини хабардор қилмасдан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни текшириш кунда хабардор қилган ҳолда амалга ошириш;

ҳар чоракда мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотларнинг чакана савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқ текширувларини амалга ошириш ваколати берилди.

2024 йил 3 августдаги 478-сон Вазирлар Маҳкамаси қарори мажбурий рақамли маркировкалаш лозим бўлган товарларнинг чакана савдосини тартибга солиш, тадбиркорлик субъектлари томонидан маркировка қоидаларига риоя этилаётганлигини назорат қилиш мақсадида қабул қилинди (*Қарор, 2024*).

Қарорга мувофиқ, Солиқ қўмитасининг белгиланган умумий штат бирликлари доирасида 7 та штат бирлигидан иборат алоҳида тузилма ташкил этиш ҳамда рақамли маркировкалаш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, яширин ишлаб чиқариш фаолияти ва қалбаки товарлар тарқалишига қарши курашиш орқали солиқ тушумларини тўлиқ таъминлаш мазкур тузилманинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

2025 йил 8 апрелдаги 203-сон Вазирлар Маҳкамаси қарори қишлоқ хўжалиги соҳасида хавфсизлик ва самарадорликни ошириш мақсадида минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рақамли маркировкалашни жорий этди (*Қарор, 2025*).

Қарорда минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни рақамли маркировкалаш ва кузатиб бориш бўйича тажриба лойиҳасини амалга ошириш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом;

Тажриба лойиҳаси доирасида рақамли маркировкаланадиган минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар рўйхати;

Минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни рақамли маркировкалаш ва кузатиш схемаси;

Минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни рақамли маркировкалаш механизмларини ишлаб чиқиш тажриба лойиҳасини амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси («Йўл харитаси») тасдиқланди.

2025 йил 23 майдаги ПҚ-190-сон Президент қарори мажбурий рақамли маркировка тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс стратегик ҳужжат бўлиб, унда рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини ошириш ва бу борадаги назорат механизмларини такомиллаштириш орқали аҳолини сифатли ва ишончли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда яширин иқтисодиётни янада қисқартириш назарда тутилган (*Қарор, 2025*).

Ушбу қарорнинг асосий мақсади рақамли маркировкаланган маҳсулотларнинг ҳаракат занжирини тўлиқ кузатиб бориш орқали яширин ишлаб чиқариш ва контрафакт маҳсулотлар муомаласига чек қўйишга қаратилган.

Ушбу қарорга асосан Рақамли маркировка қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси ташкил қилиниши ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

рақамли маркировкаланган маҳсулотлар айланмасининг барча босқичларида тизимли назоратни таъминлаш;

назорат, баҳолаш ва хавфни таҳлил қилиш соҳасида самарали усулларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва такомиллаштириб бориш;

мажбурий рақамли маркировкаладиган маҳсулотлар турини босқичма-босқич кенгайтириш учун амалий тажриба-синов (эксперимент) тадбирларини ўтказиш;

халқаро стандартлар ва илғор тажрибаларни ўрганиш асосида рақамли маркировкалаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

мажбурий рақамли маркировкалаш тизими талаблари бузилишининг олдини олиш бўйича профилактика ва тушунтириш чора-тадбирларини амалга ошириш, жумладан, огоҳлантириш тизимини қўллаш;

рақамли маркировкалаш ва кузатиш миллий ахборот тизимини такомиллаштириш, маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш асосида таҳлил-мониторинг тадбирларини амалга ошириш

Қарорнинг энг муҳим янгиликларидан бири — 2026 йил 1 январдан бошлаб мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузиш ҳолатларини солиқ органларининг ахборот тизими орқали аниқлаш бўйича **масофавий солиқ текширувини ўтказиш тартиби жорий** этилди. Бунда:

текшириш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳнома олиш талаб этилмайди;

мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузиш ҳолатлари аниқланганда қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида огоҳлантириш берилади;

иккинчи марта огоҳлантириш берилгандан сўнг қоидабузарлик ҳолатлари аниқланганда **2-жадвалга** мувофиқ миқдорларда жарима қўлланади;

Бир йил ичида тўртинчи марта ва ундан кейинги ҳолатларда жарима қўлланилган тадбиркорлик субъектларига бир **йил давомида қўшилган қиймат солиғи суммасининг ўрни қопланмайди**.

Шунингдек, ушбу қарорда солиқ текширувларида кириш ҳужжатларисиз (контрафакт) ва (ёки) маркировкаланмаган дори воситаларини сотиб олиш, ташиш, сақлаш ёки реализация қилиш ҳолатлари аниқланганда солиқ органлари ташаббусига қўра ваколатли орган томонидан тегишли субъект лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб турилиши назарда тутилди.

2026 йил 23 январдаги 23-сон Вазирлар Маҳкамаси қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мажбурий рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 23 майдаги ПҚ-190-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, аҳолини сифатли ва

ишончли маҳсулотлар билан таъминлаш, мажбурий рақамли маркировкакланиши лозим бўлган маҳсулотларнинг маркировкалаш қоидаларига зид равишда импорт қилиниши, ишлаб чиқарилиши ва реализация қилинишининг олдини олиш орқали тенг рақобат муҳитини яратиш ҳамда мазкур тизимнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида қабул қилинди (Қарор, 2026).

2-жадвал

Масофавий солиқ текширувида мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузиш ҳолатлари аниқланганда қўлланадиган жарималар миқдори

Т/р	Иккинчи марта огоҳлантириш берилганидан сўнг қоидабузарлик аниқланган ҳолатлар	Жарима миқдори
1.	Бир ой давомида биринчи марта	Реализация амалга оширилган охириги ҳисобот чорагида олинган соф тушумнинг 0,2 фоизи
2.	Бир йил ичида иккинчи марта	Реализация амалга оширилган охириги ҳисобот чорагида олинган соф тушумнинг 0,4 фоизи
3.	Бир йил ичида учинчи марта	Реализация амалга оширилган охириги ҳисобот чорагида олинган соф тушумнинг 1 фоизи
4.	Бир йил ичида тўртинчи марта ва ундан кейинги ҳолатлар	Реализация амалга оширилган охириги ҳисобот чорагида олинган соф тушумнинг 2 фоизи

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 23 майдаги ПҚ-190-сон қарори 2-иловасига асосида тайёрланди.

Қарорда айрим турдаги маҳсулотларни рақамли маркировкалаш ва кузатиб бориш бўйича тажриба лойиҳасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом;

Рақамли маркировка қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси тўғрисидаги низом;

Масофавий солиқ текширувини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тасдиқланди.

2026 йил 11 февралда қабул қилинган 56-сон Вазирлар Маҳкамаси қарори товарларнинг ҳаракати устидан давлат назорати самарадорлигини ошириш, яширин иқтисодиётни янада қисқартириш ҳамда маҳсулотларнинг ноқонуний айланмасига йўл қўймаслик, шунингдек, товарларни рақамли идентификация қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида қабул қилинди (Қарор, 2026).

Қарор билан 2026 йил 1 июндан бошлаб сув ва салқин ичимликларга нисбатан рақамли маркировка кодларини Ўзбекистон ва ҳамкор давлатлар ўртасида ўзаро тан олиш механизмини жорий этиш тўғрисидаги таклифнинг маъқулланиши миллий рақамли назорат тизимининг трансчегаравий интеграцияси йўлида муҳим қадам ҳисобланади. Бу ташаббус товарлар ҳаракатининг икки ва кўп томонлама шаффофлигини таъминлаб, импорт жараёнларида такрорий маркировка харажатларини камайтиради, логистика тезлигини оширади ва рақамли иқтисодиётда гармонизация жараёнига хизмат қилади. Охир-оқибатда, ички бозорда контрафакт маҳсулотлар улушини қисқартириш ва солиқ тушумларини барқарорлаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистонда товарларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш жараёни норматив-ҳуқуқий базанинг изчил ривожланиши, солиқ

маъмуриятчилигини модернизация қилиш, яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш ва рақобат муҳитини соғломлаштиришга қаратилган давлат сиёсатининг узвий таркибий қисми ҳисобланади. 2019–2026 йилларда қабул қилинган фармон ва қарорлар рақамли маркировкалашнинг ҳуқуқий, техник ва ташкилий асосларини босқичма-босқич шакллантирди.

Таҳлил шуни кўрсатадики, рақамли маркировкалаш нафақат маҳсулот айланмасини шаффофлаштириш, балки солиқ тушумларини ошириш, контрафакт маҳсулотлар улушини қисқартириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, логистика занжиридаги хатарларни минималлаштириш, давлат ва бизнес муносабатларини рақамлаштиришда муҳим механизмга айланди.

Шу билан бирга, амалий ижро жараёнида бир қатор муаммолар мавжуд: айрим секторларда техник тайёргарлик пастлиги, истеъмолчилар ўртасида маркировка маданиятини ривожланмаганлиги, имтиёзлар амал қилиш муддати яқунланишига оид хавотирлар, иқтисодий ҳамкорлик қилаётган давлатларимиз билан маркировка кодларининг ўзаро тан олиш амалиёти жорий этилмаганлиги ҳамда QR-кодли тўлов тизимлари ва маркировка платформаси ўртасида тўлиқ интеграция йўқлигидир.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги таклифлар шакллантирилди:

1. QR-кодли тўлов тизимларини (*Paynet Xolis* ва бошқа) *Asl Belgisi* билан тўлиқ интеграция қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 10 декабрдаги ПФ-246-сон Фармонида асосан 2026 йил 1 июлдан бошлаб барча савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги юридик шахсларда ягона QR кодли тўлов тизими орқали тўловларни қабул қилиш мажбурий этиб белгиланди.

Барча тадбиркорлар учун жорий этилган ягона QR-код орқали электрон тўлов тизими ва маркировка талабларининг амалдаги механизми ўртасида интеграция муаммоси сақланиб қолмоқда.

Хусусан, *Paynet* томонидан ишлаб чиқилган *Xolis* QR-кодли тўлов платформаси виртуал касса вазифасини бажарса-да, у ҳозирги ҳолатда:

товарнинг индивидуал *Data Matrix* (маркировка) кодини чекда акс эттирмайди фискал маълумотлар оператори тизимларига тўлиқ форматда узатмайди. Натижада маркировка қилинган товарларни сотишда ҳуқуқий бўшлиқ ва амалиётда ўзига хос парадокс юзага келмоқда

Бу эса:

тадбиркорлар учун ҳисобни юритишда қийинчиликлар;

солиқ ҳисоботларида хато қайдлар;

маркировка қоидаларини бузганлик учун жарима хавфининг ошишига олиб келади.

2. Масофавий солиқ текширувини ҳуқуқий асослаш учун Солиқ кодексига ўзгартиш киритиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 2025-йил 23 майдаги ПҚ-190-сон қарорига асосан 2026 йил 1 январдан бошлаб мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузиш ҳолатларини солиқ органларининг ахборот тизими орқали аниқлаш ва масофавий солиқ текширувини ўтказиш тартиби жорий этилиши белгилаб қўйилган. Бироқ ушбу механизм Солиқ кодексига тўлиқ мустаҳкамланмагани сабабли, уни амалий жорий этишда ҳуқуқий бўшлиқлар пайдо бўлиши мумкин.

3. Маркировкаладиган товарлар рўйхатини босқичма-босқич кенгайтириш, жумладан:

-биологик актив қўшимчалар (БАД);

-косметика ва парфюмерия маҳсулотлари;

-маиший кимё воситалари;

-автошиналар;

-қурилиш цементи.

Янги тоифаларни маркировка қилишда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва импортчилар учун пилот даврини белгилаш, техник қўллаб-қувватлаш ва рақамли инфратузилмани кенгайтириш чораларини кўриш.

Адабиётлар/Литература/References:

Писанкова В. А., Хохлова П. В. (2021) Маркировка товаров: текущее состояние и перспективы развития // Развитие таможенного дела Российской Федерации: дальневосточный вектор. 2021. № 1. С. 185–188.

Сморчковой Л.Н. (2021) Маркировка как административный инструмент: Обязательная маркировка рассматривается не только как средство контроля, но и как механизм воздействия на экономические отношения. Вестник ЮУрГУ. Серия «Право». 2021. Т. 21, № 2, С. 44–50.

Долганова Я.А., Пашегорова Д.В. (2023) Роль маркировки товаров в борьбе с контрафактной продукцией // Исследование проблем экономики и финансов. №2. С-4.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.07.2019 йилдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сон қарори.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.04.2020 йилдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сон қарори.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.04.2020 йилдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сон қарори.

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.10.2020 йилдаги “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6098-сон Фармони.

Қарор (2021) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.10.2021 йилдаги “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида назорат-касса техникасидан фойдаланишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5252-сон қарори.

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги ““Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги 158-сон Фармони.

Қарор (2024) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.05.2024 йилдаги “Мажбурий рақамли маркировкалаш жараёнларини жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-203-сон қарори.

Қарор (2025) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.05.2025 йилдаги “Мажбурий рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-190-сон қарори.

Қарор (2025) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.10.2025 йилдаги “Истеъмолчилар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-296-сон қарори.

Қарор (2026) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.01.2026 йилдаги “Мажбурий рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 23-сон қарори.

Қарор (2026) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.02.2026 йилдаги “Рақамли маркировкаланган товарларнинг ҳаракатини кузатиб бориш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 56-сон қарори.

Қарор (2022) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.04.2022 йилдаги “Дори воситалари ва тиббий буюмларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 149-сон қарори.

Қарор (2022) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.04.2022 йилдаги “Маиший техника маҳсулотларини мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 148-сон қарори.

Қарор (2025) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 08.04.2023 йилдаги “Минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 203-сон қарори.

Қарор (2021) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.05.2021 йилдаги “Мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхатини кенгайтириш бўйича тажриба лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 322-сон қарори.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида “Яширин иқтисодиёт” улушини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 394-сон қарор.

Қарор (2024) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.08.2024 йилдаги “Мажбурий рақамли маркировкалаш лозим бўлган товарларнинг чакана савдосини тартибга солиш тўғрисида”ги 478-сон қарори.

Қарор (2022) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.11.2022 йилдаги “Сув ва салқин ичимликларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 631-сон қарори.

Қарор (2021) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.11.2021 йилдаги “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини акциз маркалари билан маркировкалаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 665-сон қарори.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.11.2020 йилдаги “Айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 737-сон қарори.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2020 йилдаги “Айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизими босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 833-сон қарори.